

Аввалги сафга боғлиқ баъзи ҳукмлар



12:00 / 12.04.2019 3856

Сафларни аввалгисидан бошлаб тўлдириб бориш - суннат. Баъзи фуқаҳолар вожиб деганлар. Биринчи саф тўлмай туриб, кейинги сафга турилмайди. Иккинчи саф тўлмасидан учинчиси бошланмайди. Гоҳида иккинчи сафни масжидни бурчагидан бошлаганларни кўриб қоламиз, бу дуруст эмас. Аслида, иккинчи сафни тўлдириш имомнинг тўғрисида бошланади ва икки томонни бир хил тўлдириб борилади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи сафда намоз ўқишнинг фазилати ҳақида шундай деганлар:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар одамлар азон ва биринчи сафда қандай савоб борлигини билиб, кейин унга қуръа ташлашдан бошқа илож топилмаса, шубҳасиз, қуръа ташлаган

бўлардилар. Агар намозга эртароқ боришда нима борлигини билганларида, унга мусобақа қилган бўлардилар. Агар хуфтон ва бомдодда нима борлигини билганларида, у иккисига эмаклаб бўлса ҳам келардилар” - дедилар”.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилишган.

Яъни, қуръа билан бўлса ҳам, биринчи қатордан жой олардингиз, дейилмоқда. Ўзини аввалги сафлардан орқага тортаётган кишиларни кўриб, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадислари ёдимизга тушади: **“...Бир қавм доим ўзини орқага тортаверади, Аллоҳ ҳам уларни орқага суриб қўяди”**, - дедилар (Имом Абу Довуд ва Имом Байҳақий ривоят қилишгани). Шунинг учун ким масжидга биринчи келса, аввалги қатордаги бўш жойларни тўлдириб бориши керак бўлади. Ўзини орқага тортиб, охириги сафга ўтириб олиш - суннатга хилоф.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сафларни текисланглар, елкаларни баробар қилинглар, орадаги очиқ жойларни тўлдириглар, биродарингиз қўлларига мулойим бўлинглар, шайтонга бўш жой қолдирманглар. Ким сафни уласа, Аллоҳ уни (ўз раҳмати билан) уласин. Ким сафни узса, Аллоҳ уни (раҳматидан) узиб қўйсин” - дедилар”.**

Имом Абу Довуд ривоят қилган.

Одамларга озор бериб, уларнинг елкаларидан ҳатлаб ўтиб, олдинга интилиш мумкин эмас.

Абдуллоҳ ибн Буср разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Жума куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилаётганларида бир киши одамларнинг елкасидан хатлаб олдинга ўта бошлади. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ўтир, сен одамларга озор бердинг” - дедилар”.

Имом Абу Довуд ривоят қилган.

Сафда турганлар сафни тўғри тутиш билан бирга, ораларида очиқ жой қолдирмасликлари керак. Агар сафда бир киши сиғадиган миқдорда очиқ жой бўлса, уни орқадаги киши тўлдириши керак бўлади. Олдинги сафда

очиқ жой бўла туриб, намоз ўқиш макруҳдир. Намозга киришгандан кейин олдинги сафда очиқлик пайдо бўлса, уни тўлдириш мақсадида олдинга юриш ҳар бир рукн (қиём, рукуъ)да икки қадамдан ошмаслиги шарт. Агар ошса, намоз бузилади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**